



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI  
YANGIBOZOR TUMANI HOKIMINING  
QARORI

O'zbekiston Respublikasi, Xorazm viloyati, 221200, Yangibozor tumani, Navbahor ko'chasi 2-uy,  
Telefonlar: 0(362) 41-94-255, 0(362) 41-94-141, Faks: 0(362) 41-94-255

2021 йил "12" сентябр

№ 214

Yangibozor tumani

**Янгибозор тумани “Наврўз” маҳалласида яшовчи фуқаро Матякубов Хўжаахмад Раматиллаевичга Туркия технология асосида янгидан интенсив боғзор ташкил қилиш учун ер майдони ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 6-, 53-моддалари, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги қонуни, “Наврўз” маҳалласида яшовчи фуқаро Матякубов Хўжаахмад Раматиллаевичнинг фермер хўжалиги ташкил қилиш учун ижарага ер майдони ажратиб беришни сўраб ёзган аризасига, туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссиясининг хулосаси ҳамда “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонунининг 6-моддасига асосан,

**Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:**

1. Янгибозор туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссиясининг хулосаси ижро учун қабул қилинсин.
2. Янгибозор тумани “Наврўз” маҳалласида яшовчи фуқаро Матякубов Хўжаахмад Раматиллаевичга Бошқирших қишлоғининг туман ҳокими захира ер хисобидаги 53-контурида жойлашган умумий ер майдони – 7,8 гектар, шундан суғориладиган экин ери – 7,7 гектар, ариқ ва зовурлар - 0,1 гектардан иборат ер участкаси боғдорчилик йўналишида фермер хўжалиги ташкил қилиш учун ажратиб берилсин ҳамда ижара муддати 40 йил қилиб белгилансин.
3. Янгибозор тумани “Наврўз” маҳалласида яшовчи фуқаро Матякубов Хўжаахмад Раматиллаевичга ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ҳокими ва фермер хўжалиги раҳбари Х.Матякубов ўртасида тузиладиган ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномасини тайёрлаб, вилоят ҳокимининг қарори қабул қилингандан кейин расмийлаштириб, жойида ер



майdonларини далолатнома асосида топшириш туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Р. Рахимов) зиммасига юклатилсин.

4. Янгибозор тумани “Наврўз” маҳалласида яшовчи фуқаро Матякубов Хўжаахмад Раматиллаевичга ажратилаётган 7,7 гектар экин ер майдонида Туркия технологияси асосида янгидан интенсив боғзор ташкил қилиш вазифаси топширилсин.

5. Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Ж.Халметовга фуқаро Матякубов Хўжаахмад Раматиллаевичнинг Туркия компаниялари билан кўчатлар етказиб бериш бўйича шартномалар тузишига амалий ёрдам бериш вазифаси топширилсин.

6. Фуқаро Матякубов Хўжаахмад Раматиллаевичга:

- ердан ер қонунчилиги асосида белгиланган мажбуриятларга амал қилган ҳолда самарали фойдаланиш;

- туман Статистика ва Солиқ идораларига белгиланган муддатларда ҳисоботларни тақдим этиб бориш;

- ер участкасидан қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлиги (уч йил учун ўртача йиллик ҳосил ҳисобида) ернинг кадастр баҳосидан кам бўлмаслигини таъминлаш;

- ерлардан ер қонунчилигида қайд этилган мажбуриятларни бажарган ҳолда самарали фойдаланиш ва доимий равишда тупроқ унумдорлигини ошириб бориш юзасидан зарур чора-тадбирларни кўриш вазифаси юклансин.

7. Ушбу қарорга асосан туман қишлоқ хўжалиги бўлими, туман статистика бўлими, туман давлат солиқ инспекцияси ҳамда туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимлари ўз ҳисоботларига тегишли ўзгартиришлар киритсин.

8. Ушбу қарор халқ депутатлари туман Кенгаши сессиясига тасдиқлаш учун киритилсин.

9. Ушбу қарорнинг тасдиғи ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи вилоят комиссиясидан сўралсин.

10. Ушбу қарор ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Туман ҳокими



У.Курбанов